ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ЎҚУВ-АМАЛИЙ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ

Фарғона вилоятида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, тарғиботнинг янги усул ва воситаларидан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари Жамшед Хатамов иштирок этди.

Республика Маънавият ва маърифат марказининг ҳудудий бўлинма раҳбарлари, олий ўқув юртларининг биринчи проректорлари ва бўлим бошлиқлари, “Маърифат” тарғиботчилари жамияти аъзолари иштирокида Фарғона политехника институтида бўлиб ўтган семинар давомида Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 26 мартда қабул қилинган “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, кўлами ва миқёсини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётганига алоҳида урғу берилди.

Вилоятда бу борада аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, маънавият ва маърифат кенгашларининг ҳудудий йиғилишларида бу борадаги устувор вазифалар тизимли муҳокама этилаётгани таъкидланди.

Вилоят ҳокими ўринбосари, Маънавият ва маърифат кенгаши раисининг ўринбосари Жамшед Ҳатамов “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида жамиятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услублари хусусида сўз юритди. Бу борада маънавият ва маърифат соҳаси масъуллари ва тарғиботчиларининг олдида турган муҳим вазифалар қайд этилди.

Тадбирда сўз олган Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Масъуджон Сулаймонов, вилоятдаги ОТМлар вакиллари маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишларига тўхталдилар.

Очиқ ва қизғин ўтган семинарда иштирокчилар тарғиботнинг янги усуллари ва илғор тажрибалари билан ҳам танишди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2022-06-21 15:50:38